

SHAMSEMATOVA BARNO RIKHSIVAЕVNA
International Islamic Academy of Uzbekistan,
PhD, senior teacher
bshamsematova76@gmail.com

ОЛАМНИНГ ИЖТИМОЙ МАНЗАРАСИДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ТУШУНЧАЛАР, УЛАРНИНГ МОҲИЯТИ ВА МАЗМУНИ

КОНЦЕПТЫ, СВЯЗАННЫЕ С НАЦИОНАЛЬНЫМИ ЦЕННОСТЯМИ В СОЦИАЛЬНОЙ СФЕРЕ МИРА, ИХ СУЩНОСТЬ И СОДЕРЖАНИЕ

CONCEPTS RELATED TO NATIONAL VALUES IN THE SOCIAL SPHERE OF THE WORLD, THEIR ESSENCE AND CONTENT

Аннотация: ушбу мақолада оламнинг ижтимоий манзарасида миллий қадриятлар билан боғлиқ тушунчалар, уларнинг моҳияти ва мазмуни, турли олимларнинг қадрият масаласидаги қарашлари, “қадрият” тушунчасига берган таърифлари ҳамда миллий қадриятларнинг ҳаётимиздаги роли ёритиб берилган. Шу билан бирга қадриятлар нафақат фалсафий категория балки социология, психология ва тилшунослик соҳаларида ҳам кенг тадқиқ қилиниши келтирилган.

Калит сўзлар: қадрият, қиймат, жамият, лингвомаданиятшунослик, фалсафа, аксиология, маданият, психология

Аннотация: в данной статье рассматриваются понятия, связанные с национальными ценностями в социальной сфере мира, их сущность и содержание, взгляды разных ученых на ценности, их описания на понятия «ценность» и показана роль национальных ценностей в нашей жизни. В то же время в статье упоминается, что ценности являются не только философской категорией, но и широко исследуются в областях социологии, психологии, лингвистики.

Ключевые слова: ценность, общество, языкознание, философия, аксиология, культура, психология

Abstract: in this article, concepts related to national values in the social e of the sphere of the world,

their essence and content, views of different scientists on the issue of value, their definitions of the concept of “value” and the role of national values in our life are highlighted. It is also stated that values are not only a philosophical category, but also widely studied in the fields of sociology, psychology, and linguistics.

Key words: value, society, linguistics, philosophy, axiology, culture, psychology.

КИРИШ

Тарихий тараққиёт жараёнида, хусусан, кучли ижтимоий, технологик ҳамда сиёсий ўзгаришлар даврида қадриятлар муаммоси доимо катта қизиқиш ва айна пайтда қарама-қаршиликларга сабаб бўлган. Қадриятлар, аввалам бор, фалсафий категория ҳисобланади, лекин бугунги кунда ушбу концепт социология, маданиятшунослик, психология, тилшунослик каби бир қатор гуманитар фанлар призмаси орқали ўрганилади. Қадриятлар нима эканлигини, улар қандай қилиб инсоннинг дунёқарашини белгилаши ва натижада хулқ-атвор моделларини танлашда тўлиқроқ тасаввур ҳосил қилишга кўмаклашиш мақсадида биз ушбу концептнинг турли соҳаларда турли хил талқин қилинишини батафсил баён этиш орқали кўриб чиқамиз.

АСОСИЙ ҚИСМ

“Қадриятлар” атамасига киритилган тушунчалар ҳар доим, аввало, маълум бир тарихий даврга хос бўлган фалсафий фикр даври ва йўналиши билан фаркланиб турган. Шундай қилиб, қадимий фалсафа қадриятлар мавзусига хос бўлган фалсафий муаммоларнинг бир қисми сифатида кўриб ўрганган. Инсон учун мутлақ қиймат ҳам ахлокий ҳам эстетик идеаллар билан боғлиқ борлиқнинг тўлиқ тушунчаси сифатида тушунилади. Айнан антик даврда “концептуал учлик” ибтидоий фалсафий қарашлар сифатида муомалага кирди.

“Ҳақиқат”, “эзгулик” ва “ғўзаллик” учлигини ривожлантириб илгари сурган Платоннинг сўзларига кўра, бу қийматлар мутлақ ҳисобланган. Софистлар Платоннинг барча қадриятлар индивидуал ва нисбий эканлиги ҳақидаги фикрларини маъқуллашади[3].

Ўрта асрларда антик даврнинг мумтоз қадриятларини ўрганишдан ташқари диний қадриятларни актуаллаштириш ҳаракатлари

ҳам юзага келган. Яккахудолик динларида “ҳақиқат”, “эзгулик” ҳамда “ғўзаллик” билан боғлиқ қадриятлар Худонинг “амри” сифатида уйғунлаштирилади: бу таълимотда диний компонентлар юқори аҳамият касб этади[3].

Уйғониш даврида, аксинча, инсонлар қадриятларни энг юқори даражага кўтардилар, инсонпарварлик қадриятлари биринчи ўринга чиқади, янги идеаллар, жумладан “онг/интеллект”, “фикр эркинлиги”, “амалий фойда”, “илм” ва “тараққиёт” каби тушунчаларни ўз замирига сингдирувчи қадриятлар муҳим роль ўйнай бошлайди. Ушбу қадриятларни Ф. Бекон[17], Р. Декарт[7], Б. Спиноза[4], Г.В. Лейбниц[9], Т. Гоббс[6] ва бошқа бир қатор олимлар талкин қилган. XVIII аср охирига қадар олимлар томонидан қайта кўриб чиқилиши жоиз деб эътироф этилган антик давр ва ўрта асрларга хос анъанавий ахлоқий қадриятларга бўлган қизиқиш ортиб борди[3].

XIX асрнинг 60-йилларида немис файласуфи Г. Лотзе биринчилардан бўлиб “аҳамиятлилик”ни қадриятнинг асосий мезони сифатида аниқлади. Кейинчалик, 1902-йилда француз файласуфи П. Лапи “аксиология” атамасини илмий муомалага киритди. Мутафаккир Э. Фон Хартманн эса ушбу атамани қадриятларни ўрганувчи фалсафа фанининг муҳим қисми сифатида қўллаган. Шундай қилиб, XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб қатор олимларнинг фикрига кўра, аксиология фалсафанинг махсус соҳаси сифатида ривожлана бошлады, аммо баъзи назарияларга кўра, аксиология йўналиши антик даврдаёқ пайдо бўлган[8].

Шу ўринда, албатта, “Аксиология” атамасинининг изоҳини келтиришимиз лозим. Юқорида келтирилганлардан маълумки, фалсафий категория ҳисобланган аксиология қадриятларни ўрганувчи соҳадир (*грекча axio – қадрият, logos – фан, таълимот демакдир*). Ушбу атама илк бор француз файласуфи П. Лапи ҳамда немис аксиологи Э. Хартменлар томонидан қўлланилган ва XX асрнинг 60-йилларида аксиология фан сифатида ривожланган[1].

Инглиз тилидаги илмий-фалсафий адабиётларга назар солар эканмиз, аксиологияни аксиологик-қиймат назарияси (**price theory**) шаклида ўрганилишига гувоҳ бўламиз.

Шахсий онтологизм вакили М. Шелер фикрига кўра эса, инсоннинг хоҳиш-истакларини объектив мужассамлаштириш сифатида қадриятлар қандай роль ўйнашига қараб узоқ ёки қисқа муддатли тарзда сифатланиши мумкин. Агар қадрият (қиймат) маъбудлар, илоҳий моҳият, билим, ғўзаллик ва бошқалар билан боғлиқ бўлса, у тоифага юқори даражадаги қадриятлар киритилиши мумкин. Агарда қадрият / қиймат инсоннинг шахвоний истаклари ва / ёки моддий неъматлар шаклида мужассам бўлса, унда узоқ муддатли дейишга асос йўқ. М. Шелер айтишича, биз value / қадрият, қийматдан қанчалик кўп қониқиш олсак, унинг инсон ҳаётидаги мавқеи қанчалик муҳим ва “юқори” бўлса, у шунча узоқ давр мобайнида сақланиб қолади. Шу йўсинда М. Шелер ва Н. Хартманн “қадрият” (“қиймат”) тушунчасини фалсафий категория сифатида уйғунлаштиришга ҳисса қўшдилар[12].

Нихоят, немис олими М.Вебер томонидан яратилган социологик қадриятлар феномени “**value / қадрият**” тушунчасига қуйидаги таърифни таклиф қилди: “Ижтимоий жамият мавзуси учун маълум аҳамиятга эга бўлган меъёрлар жамланмаси”. М.Вебер тарихийликни қадриятнинг асосий хусусияти сифатида белгилаб, вақт унинг умумий муносабатини ифодалайди, деб ишонган, шу билан бирга, олим “...қадрият бутун жамият маданияти ва манфаатлари тўғрисида қайғуради, таъсир кўрсатади...” деган фикрни биринчи бўлиб илгари сурган[5].

Замонавий илм-фанда ҳам қадриятлар талқини ушбу тушунчанинг ягона умумий қабул килинган таърифи билан чегараланмайди. Бугунги кунга келиб, бизнинг фикримизча, замонавий фалсафада ушбу ҳодисага турли хил ёндашувларни акс эттирадиган бир неча таърифлар мавжуд. Демак, 1970-йилда Москва шаҳрида чоп этилган “Фалсафий энциклопедик лугат”га[14] кўра, value / қадрият (**ценность**) атамаси атрофдаги воқелик ҳодисаларининг умумбашарий, ижтимоий ва маданий аҳамиятини аниқлаш учун ишлатилади. Қадрият, аввало, маълум объектнинг ижобий ёки салбий қийматини ифодалайди, сўнгра эса жамият одатлари, расм-русум ва анъаналарини баҳолаш аспектида норматив бўлиб хизмат қилади. Шунга кўра, объект ҳамда субъект

кадриятлари бир-биридан фаркланади. Қадрият категорияларининг ўзида турли хил ижтимоий гуруҳ ва шахсларнинг билим, қизиқиш ва афзалликларнинг чекланган йўналишлари ифода этилган.

Тилшуносликда қадрият ҳар бир шахснинг, лингвомаданий жамиятнинг аксиологик лисоний манзарасини моделлаштирувчи асосий элементдир. Қадриятлар устуворлик (афзаллик) даражаси бўйича лисоний онгда қадриятлар тизимини ҳосил қилган ҳолда муайян иерархик муносабатларга киришади. “Ҳар бир тарихий даврга қадриятлар ориентирларининг маълум қатори хос бўлиб, улар жамият тараққиёти жараёнида турли омиллар таъсири остида ўзгариб туради. Ўтиш давлари баъзи сабабларга кўра эскирган, тўғри келмайдиган бўлиб кўринадиган олдинги меъёрлар ва қоидаларни рад этадиган ўзига хос қаттиқ филтёр ролини ўйнайди. Сўнгра янги қадриятлар палитрасининг шаклланиши рўй беради”[16].

Шахс ва жамиятнинг лисоний онгидаги қадриятлар тизими ё дин, ё мафкура, улар орқали сингдирилган идеаллар ва адабиёт, маданият, санъат тамойиллари таъсири остида шаклланиб боради, бу эса ёш авлодни тарбиялашда ва баркамол ривожланган шахсни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Кейинги ўн йилликда ўзбек тилшунослигида кўплаб олимлар қадриятлар, хусусан, миллий қадриятларни ўз ичига олган айрим лексемалар таҳлили устида тадқиқот ишлари олиб борганликларига гувоҳ бўламиз. Бундай илмий ишлар сирасига “Инглиз ва ўзбек тилларида инсон туйғулари ифодаланишининг концептуал таҳлили” мавзусида изланиш олиб борган Т.Мардиевнинг илмий ишини киритиш мумкин. У қадрият тушунчасига тўхталиб ўтар экан, “ижтимоий ҳаётда барча моддий нарсалар предметлар маданий мерос илмий назарий аҳамиятга эга бўлган асарлар ва бошқа бой маънавий-маърифий, табиий ва ижтимоий объектларнинг ҳамда санъат асарларининг эстетик жиҳатдан тавсифланиши сабаблар, диний ибодат буюмлари ва бошқалар ашёвий қадриятларга киради. Онг (субъектив) қадриятларга норматив тасаввурлар, яхшилик ва ёмонлик, адолат ва гўзаллик, хунуклик

каби инсоний туйғуларнинг қонуниятлари ва бошқалар киради[10]” деб таъкидлайди. Қўшимча равишда, Р.Маджидова фикрига кўра “ҳар бир лингвомаданий жамиятнинг қадриятлар тизимида негиз, яъни халқ менталитетининг миллий-маданий ўзига хослиги тўғрисида мулоҳаза юритиш имконини берувчи барқарор қадриятлар албатта сақланиб қолади. Барқарор қадриятлар аслида ҳар қандай лингвомаданий муҳитда маъқулладиган умуминсоний қадриятлардир. Халқ менталитетининг миллий-маданий ўзига хослиги ҳар бир этноснинг ушбу барқарор қадриятларни танлаб олиши ва уйғунлаштириши натижасида шаклланади.

Намоён бўлишининг барча тақдим этилган жиҳатларида қадрият ўз табиатининг икки томонлама хусусияти билан тавсифланади: ҳар қандай қадрият аксилқадриятга тўғри келади ва ҳар қандай қадриятлар тизимининг мавжудлиги мувофиқ тарзда аксилқадриятлар тизимини тақозо этади. Тил бирликларини аксиологик нуқтаи назардан ўрганиш маълум халқнинг аксиологик лисоний олам манзараси асосида ётувчи қадриятлар ва уларнинг фониди ажратиладиган аксилқадриятлар тизимини аниқлаш ва тавсифлаш имконини беради”.

Қадрият тушунчаси, бизнингча, маълум бир миллатнинг келиб чиқиши, унинг тарихи, турмуш тарзи, маданияти, урф-одатларини ўзида мужассам этган муҳим аҳамиятга молик нафақат фалсафий, балки лисоний ҳодисадир.

Э.Ф.Серебренникованинг сўзларига кўра, қадрият (қиймат) маъноларининг моҳияти сифатида энг муҳим ички белгилар ва дунёни идрок этиш усуллари бир-бирига уч асосий омил орқали боғланган: қадриятларнинг ижтимоий-маданий аҳамияти; мотивацион, кучли иродали ва мақсадга йўналтирувчи салоҳияти билан; ва тартибга солувчи, мувофиқлаштирувчи хусусиятга эга эканлиги билан боғланган[11].

Мавзуга қараб қадриятлар хусусий (шахсий), турли миллат, жамият, минтақаларга мансуб маълум гуруҳ ёки синф учун умумий, универсал бўлиши мумкин. Умумийлик нуқтаи назаридан умумбашарий, инсоний қадриятлар биринчи ўринда туради, чунки улар тарихий, ижтимоий-иқтисодий, синфий, этник ва маданий ўзгаришларга қарамасдан ҳамон аҳамиятли бўлиб қолмоқда[2].

Қадриятлар, шунингдек, ахлоқий бўлиши мумкин (рахм-шафқат, қўшничилик муносабатлари, ўзгаларга ёрдам, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, ахлоқий фазилатлар ва бошқалар).

Муайян қадриятлар умумэътирофдаги қадриятлар ҳисобланса-да, яъни улар бутун ҷамият учун умумий бўлса, шундай қадриятлар ҳам мавжудки, улар хусусий бўлиб, маълум бир кичик гуруҳ ёхуд фақатгина индивидуаллар томонидан амал қилинади, жумладан, профессионал яъни бирор касб эгаларига доир қадриятлар бунга мисол бўла олади. Касбий ҳамжамятнинг қадрият муносабатлари тарихий жиҳатдан фарқ қилади, фақатгина бир касбга хос бўлган характер, образлар ва менталитетнинг ўзига хос қирраларида намоён бўлади.

Бизнингча эса, қадриятлар ижтимоий жараёнларни меъёрий тартибга солиш ва тузатиш орқали ҷамиятдаги гуруҳларнинг яхлитлигини таъминлаш, шахсият ривожланиши ва инсон ҳуқ-атворида таъсир этиш каби статик функцияларни бажаради.

Шунингдек, улар маданиятнинг муҳим белгиси ҳисобланиб, ўзига хослигини тушуниш калити – бу “қадр” концептини лингвмаданий категорияга асослантиришдир.

Турли маданиятлар орасидаги фарқлар инсон ҳатти-ҳаракатлари, ҷамиятни ташкил этиш, сиёсий тизимни танлаш ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланишдаги фарқларни келтириб чиқаради. Бунинг ўзига хос жиҳати қадриятлар иерархиясининг мавжудлиги билан изоҳланади, бу ҳам ўз ўрнида ҷамиятнинг ноёб тарзда ривожланишини таъминлайди. Ушбу иерархия қадриятлар тизимидаги тартиблилик, яхлитлик, маданият, давлат ва ҳукмрон дин томонидан сақланиб қолади. Бу билан тадқиқотчилар қадриятлар маданиятда марказий ўринни эгаллаши, унинг асосий пойдевори эканлигига шубҳа қилмайдилар.

Олимлар таъкидлаганидек, қадриятларнинг миллатлараро тўқнашиши маданиятнинг ривожланишида турли хил оқибатларга олиб келиши мумкин. Барқарор ҷамиятлар қадриятларни қайта кўриб чиқиш муаммоларини ўз маданияти доирасида ҳал қилиши мумкин, аммо, бундай жараён маданият учун хавфли бўлиши мумкин бўлган қадриятларни қайта

баҳолаш натижасида, “оммавий қадриятлар” нинг парчаланиши, бу юқори маънавий қадриятларни бошқалар томонидан ҳаётнинг иқтисодий, сиёсий ва бошқа соҳалари билан боғлиқ ҷамият, ахлоқий меъёрлар ва маданий қадриятлар билан алмаштиришга олиб келади.

ХУЛОСА

Амалга оширилган таҳлиллардан кўриниб турибдики, “Қадриятлар” атамасини турлича талқин қилиш, уларни илмий ва амалий жиҳатдан эгаллаб турган мавқеи парадигманинг кўп ўлчовли хусусиятига кўра келиб чиқиши, тарқалиши, давомийлиги ва фаолиятининг ўзига хос хусусиятларига чуқур эътибор бериш зарурлигини талаб қилади.

Бинобарин, қадриятларни ўрганишда кўп қамровли ёндашув ёрдамида маълумотларни асосли равишда очиб берилишини таъкидлаш жоиздир. Бироқ, қадриятларни таҳлил қилиш жараёнида ушбу ёндашув турли хил аксиологик жараёнлар – тилшунослик билан чамбарчас боғлиқ бўлган яна бир фаннинг ёрдамисиз тўлақонли хизмат қила олмайди. Шундай қилиб, натижада аксиология ва когнитив лисонийдаги тадқиқотларга қизиқиш тилдаги қадриятларни объективлаштирувчи янги йўналиш лингвмаданиятшуносликда қадриятлар тушунчасининг шаклланишига сабаб бўлди. Ижтимоий, индивидуал, маданий, умуммиллий аксиологик маълумотлар, ҳам касбий ҷамоалар доирасидаги, ҳам кенг доирадаги шахслар, бошқа ижтимоий-лисоний контекстларнинг хилма-хиллиги – буларнинг барчаси муҳим аҳамиятга эгадир.

Қадриятлар ва муносабат моҳиятининг оғзаки таркибий қисмини ҳисобга олган ҳолда ушбу муаммо бўйича биз қадриятларни мақсадлар, идеаллар шаклида ифодаланган ҷамият фаолиятининг мотивлари ва натижалари сифатида ҳамда ҳиссий жиҳатдан аҳамиятли ҳодисалар, муайян ижтимоий-тарихий босқичда ҷамиятни характерловчи ва акс эттирувчи объектлар тарзида кўриб чиқдик. Қадриятларни ўрганиш, бизнинг фикримизча, нафақат фалсафий, айти пайтда тилшуносликдаги долзарб категориялардан биридир.

**ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР
РЎЙХАТИ**

1. Isakova Z.Z. The category of value in linguistics. Published by 2030 Uzbekistan Research Online, 2020. – P. 136 // <https://uzjournals.edu.uz/buxdu/vol4/iss6/4>
2. Аракелова А.Р. Лингвоаксиологические характеристики современного англоязычного дискурса моды: дисс. ... канд. фил. наук. – Пятигорск, 2017. – С. 20.
3. Белинова О.А. Концептуализация ценности как философская категории / С.И. Ан, О.А. Белинова // Вестник Кемеровского гос. ун-та. – 2014. – № 2 (58), т. 1. – С. 231.
4. Бенедикт Спиноза. Избранные произведения. – Т. I. 1957. – С. 42.
5. Вебер М. Избранные произведения / сост., общ. ред. и послесл. Ю.Н. Давыдова; предисл. П.П. Гайдено; пер. с нем. – М.: Прогресс, 1990. – 808 с.
6. Гоббс Т. Основы философии. Часть 2. О человеке. – М.: АСТ, 2022.
7. Декарт / Гайдено П. П. // Новая философская энциклопедия : в 4 т. / пред. науч.-ред. совета В. С. Стёпин. – 2-е изд., испр. и доп. – М. : Мысль, 2010. – 2816 с.
8. Ивин А.А. Современная аксиология: некоторые актуальные проблемы / А.А. Ивин // Философский журнал. – 2010. – № 1. – С. 66
9. Лейбниц Г.В. Сочинения, в четырёх томах. Серия: Философское наследие. М.: Мысль.
10. Мардиев Т.К. Инглиз ва ўзбек тилларида инсон туйғулари ифодаланишининг концептуал тахлили: фил. фанлари бўйича PhD ... дисс. автореф. – Самарқанд, 2019.
11. Серебренникова Е.Ф. Аспекты аксиологического лингвистического анализа / Е.Ф. Серебренникова // Лингвистика и аксиология: этносемиотика ценностных смыслов: коллективная монография / отв. ред. Л.Г. Викулова. – М.: ТЕЗАУРУС, 2011. – С. 39.
12. Сурженко Л.В. Ценности личности: философский и психологический анализ понятия / Л.В. Сурженко // Научный журнал КубГАУ / Кубанский гос. аграрный ун-т. – Краснодар, 2011. – № 65(01). – С. 3.
13. Лейбниц Г.В. Сочинения в четырех томах. – Т. 2. Новые опыты о человеческом разумении. – М.: Мысль, 1983. – 686 с.
14. Философский энциклопедический словарь. – М.: Советская энциклопедия, 1989. – С. 765.
15. Фрэнсис Бэкон и принципы его философии // Фрэнсис Бэкон: Сочинения в двух томах / Сост., общая ред. и вступит. статья - А. Л. Субботин (пер. Н.А. Фёдорова, Я. М. Боровского). – М.: Мысль, 1971. – Т. 1. – 590 с.
16. Харченко Л.Н., Березовская О.В. Понятие «Ценность» в отечественной научной литературе: к постановке проблемы // Вестник Иркутского государственного технического университета. – № 5 (76), 2013. – С. 294.